# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 19 август, № 162 (6345) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

24 йил

*Замонавий меъморчилик андозалари асосида тикланаётган иншоотларнинг кўркам, мухташам ва мустаҳкам бўлиши нафақат бинокорлар маҳоратига, балки қурилиш материалларининг сифатига ҳам боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўламини ортиши билан ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган талаб ҳам тобора ошаяпти. Бу эса ишбилармонларимизнинг истиқболли лойиҳалари рўёбига кенг йўл очмоқда.*



Қурилиш саноати:

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ



Хусусан, Навоий шаҳридаги “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти ҳам юртимизда яратилган қулай бизнес муҳити, кўплаб имтиёзлар ҳамда ҳудуднинг хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Бинобарин, кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари туфайли корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ортди. Чунончи, ўтган йилнинг декабрь ойида жамиятда қиймати 30 миллиард сўмлик 7-цемент тегирмони ишга туширилиши билан қўшимча равишда йилига 350 минг тонна цемент тайёрлаш имконияти яратилди. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида бу ерда янги тармоққа асос солиниб, йилига 56 минг тонна қурилишбоп оҳак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа рўёбига 13 миллиард сўм йўналтирилди.

— Илғор технологик линия чет элдан келтирилди, — дейди “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти раҳбарининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари Мурод Исломов. — Ҳозир улар ёрдамида қайта ишланаётган оҳак хом ашёсининг асосий қисмини экспорт қилиш чоралари кўрилаяпти.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори бу ерда олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтарди.

— Корхонамиз республикамиздаги цемент маҳсулотининг қарийб тенг ярмини тайёрлаб, тармоқда етакчилик қилиб келмоқда, — дейди “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти бош муҳандиси ўринбосари Тоҳир Азизов. — Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 800 минг тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа ортиғи билан уддаланди.

(Давоми 2-бетда).

*Германия Федератив Республикаси Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли шерикларидан бири. 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилгач, мамлакатларимиз ўртасида олий даражада сиёсий мулоқот йўлга қўйилди, ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базаси яратилди. Барча соҳада ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.*

Найтхарт ХЁФЕР-ВИССИНГ:

## ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТ

***Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт ХЁФЕР-ВИССИНГ** ЎзА мухбирига мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.*

— Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан дадил бормоқда, ўзини барқарор ва изчил ривожланиб бораётган давлат сифатида намоён этмоқда. Мамлакат иқтисодиёти равнақ топиб, аҳоли фаровонлиги юксалмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда.

Германия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо шерикларидан биридир. Ўзаро ҳамкорликнинг иқтисодий имкониятлари катта истиқболга эга. Ўзбекистонда фаолият юритаётган Германия компаниялари ўз соҳаларида юқори самарадорликка эришмоқда. «MAN», «CLAAS», «Lemken», «Knauf» каби компаниялар фаолиятига юқори баҳо бераётгани учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдан ғоят миннатдормиз.

Кичик ва ўрта корхоналар Германия иқтисодиёти муваффақиятининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланиш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар ушбу долзарб вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Президентининг мазкур Фармонида баён этилган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатларимиз ўртасидаги савдо муносабатларини янада ривожлантириш ва Германия ишбилармон доиралари сармоялари ҳажмини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

### ИФТИХОР

*“Туркистон” саройида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг якуний босқичи ва гала-концерт бўлиб ўтди.*

## Истиқлол тараннуми

“Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган ушбу санъат байрамида кўрик-танловнинг қатор вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида ғолиб бўлган ижрочи ҳамда ижодий жамоалари, шунингдек, санъатга ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, таниқли санъаткорлар ҳамда ёшлар қатнашди.

Туғилиб ўсган гўша, она-Ватан инсон учун энг мўътабар макон. Унинг қайноқ тафтини, қадрини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу боис уни асраб-авайлаш, тинч ва осудалиги, равнақи йўлида меҳнат қилиш шу юртда яшовчи ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Бинобарин, Ватанни куйлаш, шаънини улуғлаш ҳам олижаноб фазилатлардан саналади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови азиз ва табаррук юртимизга бўлган садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ҳамда Бастакорлар уюшмалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида истиқлолимизни тараннум этишга қаратилган энг сара куй-қўшиқлар, мусиқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” анъанавий республика кўрик-танловини юқори даражада ўтказиш белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТ

*Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишларни янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, соҳа қонунчилиги замон талаблари асосида изчил такомиллаштириб борилаётир. Яқинда кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мухбиримиз ушбу янгиликлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВ билан суҳбатлашди.*

### ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

— Бугунги тезкор даврнинг ўзи мазкур Қонун ҳужжатини ишлаб чиқишни тақозо этди, — дейди Холматжон Аҳмедович. — Гап шундаки, истиқлол туфайли кўчаларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналар билан тобора гавжумлашиб бормоқда. Табиийки, транспорт воситалари сони ўсишига мос равишда ҳаракат хавфсизлиги чораларини кучайтириш, энг муҳими, юртдошларимизнинг соғлиғи ва мол-мулкини асраб-авайлаш янада долзарб аҳамият касб этаяпти.

Маълумки, йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ турли кўнгилсизликларга сабаб бўладиган асосий омил, бу — белгиланган тезлик талабига риоя этмаслик ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, биргина 2014 йилда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг 35,3 фоизи айнан шу турдаги қоидабузарлик оқибатида юз берган. Бундан кўринадики, бу борадаги ишларимизни тубдан ўзгартириш, соҳага замонавий техник воситаларни жалб этиш айни заруратдир. Шундан келиб чиқиб, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу амалда яхши самара бераётир. Масалан, “Крис-П”, “Арена”, “Искра видео-2” каби фоторадар ва мобиль комплекслари қўлланилиши натижасида сўнгги 5 йил мобайнида йўл-транспорт ҳодисалари сони сезиларли даражада камайди.

Айни кунларда Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг компьютерлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу тизим, биринчи навбатда, светофорнинг тақиқловчи ишорасига бўйсунмаган ҳамда белгиланган тезлик талабларига риоя этмаган транспорт воситасини автоматик равишда қайд этади.

Тизимда амалга оширилаётган ана шундай янгиланишлардан келиб чиқиб, амалдаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, автоматлаштирилган фото ва видеотехника воситалари орқали қоидабузарликлар аниқланганда, ҳуқуқбузарлик такрорийлиги ҳисобга олинмаслиги белгиланди. Айни чоғда транспорт воситалари ҳайдовчилари белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан оширган ҳолларда, энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима солиш тартиби жорий қилинди, жарима солиш ваколати давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мансабдор шахсларига юклатилди. Илгарилари эса жазо чорасини қўллаш судлар томонидан амалга оширилар эди.

(Давоми 2-бетда).

## Малакали таржимонлар хизмат кўрсатади

*Айни кунларда Самарқандда бўлиб ўтадиган “Шарқ тароналари” X халқаро мусиқа фестивалига ҳозирлик ишлари қизғин паллага кирган.*

Айтиш жоизки, ушбу нуфузли тадбирга ташриф буюрадиган чет эллик меҳмонларга юксак даражада хизмат кўрсатиш ҳамда уларни юртимиз тарихи билан яқиндан таништиришда экскурсоводлар ва таржимонларга эҳтиёж сезилади. Шу мақсадда Самарқанд давлат чет тиллар институтидан 200 нафарга яқин ўқитувчи ҳамда талабалар танлов асосида саралаиб, улар учун махсус семинар-тренинглар ўтказилаяпти.

— Таржимонларни танлашда уларнинг юртимиз ўтмиши, Самарқанддаги қадимий обида ва зиёратгоҳлар ҳақида нечоғли билимга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори Ғанишер Раҳимов. — Семинарларда иштирокчиларга интерфаол усулда ахборот-коммуникация воситалари ҳамда кўргазмали қуроллардан фойдаланилган ҳолда мамлакатимиз салоҳияти ва сайёҳлик имкониятлари хусусида маълумотлар берилмоқда.

Машғулотларга “Ўзбектуризм” минтақавий филиали ҳамда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ва унинг қошида ташкил этилган экскурсоводлар тайёрлаш маркази мутахассислари ҳам жалб қилинган.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

### 2015 йилнинг икки чорагида мамлакатимизда

**585** турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг изчил ижроси таъминланаётгани, унинг доирасида кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани ички бозорни янги саноат маҳсулотлари билан тўлдириш, импорт ҳажмини камайтириш имконини берди.

Найтхарт ХЁФЕР-ВИССИНГ:

# ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Германия Ўзбекистоннинг мамлакатни янада демократлаштириш бўйича амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар бу борадаги муҳим йўналишлардан биридир. Германия Ўзбекистон билан жамиятни демократлаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш йўлидаги ислоҳотларни амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар фаолияти бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Германия халқаро сиёсат, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга моликдир. Мамлакатингиз Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи бўғин сифатида халқаро муносабатларда бундан буён ҳам муҳим ўрин тутади.

Германия таълим ва маданият соҳаларида ҳам Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан соҳасидаги яқин алоқалар ҳар икки мамлакат учун манфаатлидир.

Тошкентда фаолият юритаётган Гёте институтининг муҳим мақсадларидан бири маданият ва таълим соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда турли тадбирлар, хусусан, конференция, семинар ва концертлар ўтказилмоқда. Институт ўз фаолияти доирасида мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида немис тилини ўқитишни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида меҳмондўст ва кўнгли очиқ халқингизга бахт-саодат, барча соҳада муваффақиятлар тилайман.

**ЎзА мухбири**
**Сардор ТОЖИЕВ**
**ёзиб олди.**

Қурилиш саноати:

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ





(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Келгусида ҳам корхона моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, мавжуд қувватларни модернизациялаш мақсадида бир қатор инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Эътиборли жиҳати, мазкур янгиланишлар учун 279,5 миллиард сўм сарфланиши мўлжалланаяпти.

Умуман, вилоятда кейинги йилларда қурилиш саноати жадал ривожланмоқда. Масалан, бундан ўн йил аввал ҳудудда 200 дан зиёд шу йўналишга ихтисослаштирилган корхона фаолият юритган бўлса, жорий йилга келиб улар сони қарийб уч баробар ортди. Ҳозир ана шу субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган 40 турдан кўп рақобатбардош маҳсулотлар юртимизда бунёд этилаётган бино ва иншоотлар кўркига кўрк қўшиши баробарида, вилоят экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаяпти.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

АНЖУМАН

*Ўзбекистон мустақилликка эришгач, аграр республикадан саноати жадал ривожланаётган давлатга айланди. Буни истиқлол йилларида шаклланиб, иқтисодиётимизнинг юқори технологияли тармоғига айланган озиқ-овқат саноати мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*

# Юксалишнинг дадил одимлари

Дарҳақиқат, агар 1990 йилда юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, импорт ҳисобига қондирилган бўлса, бугунги кунда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига қопланмоқда. Қувонарлиси, аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 баробар, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари 4 баробар ортишига қарамай, экспорт ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Айни пайтда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Пойтахтимизда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан ташкил этилган "Истиқлол йиллари: озиқ-овқат саноатининг юксалиши одимлари" мавзуидаги матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, бу ривожланишнинг "ўзбек модели" асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирларнинг беқиёс самарасидир. Натижада ишлаб чиқариш қувватлари йил сайин ошиб, кўплаб турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. Айтайлик, истиқлолнинг дастлабки йилларида соҳага ихтисослаштирилган корхоналар 1000 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 10 000 тадан ошди. Ўз навбатида, мазкур соҳанинг республика саноатидаги улуши ҳам ортиб, қарийб 17 фоизга етгани диққатга сазовор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёз ва енгилликлар, айтиш мумкинки, соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай қулайликлардан оқилона фойдаланаётган "Сиёб саховати", "Ренессанс дизайн", "Мармакс", "Агромир групп", "Голд драй фруктс", "Афросиёб мева", "Тошкент сифат сут" каби янги хўжалик юритувчи субъектлар озиқ-овқат саноатидаги салоҳиятли корхоналар қаторидан жой олди.

Соҳада яратилган қулай ишбилармонлик муҳити чет эллик инвесторларда ҳам катта қизиқиш уйғотиб, кўплаб истиқболли лойиҳаларга мустаҳкам замин ҳозирламоқда. Мисол учун, 2008 йилда умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларилик 150 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 1400 тадан ортиб, 210 миллион доллардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилаяпти. Бу саноатнинг мазкур тармоғи жадал ривожланаётганининг амалий тасдиғидир.

Уюшма мутахассисларининг айтишича, инвестициявий лойиҳалар нафақат марказларда, балки чекка ҳудудларда ҳам рўёбга чиқарилаяпти. Ҳудудий инвестиция дастурига кўра, жорий йилда республикамизнинг олис ҳудудларида умумий қиймати 389,9 миллиард сўмлик 983 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса, дастлабки олти ой ичида шундан 541 таси ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг ҳисобига 4525 та иш ўрни яратилиб, қишлоқ аҳолиси, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланди.

Анжуманда, шунингдек, 2020 йилгача бўлган даврда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Истиқлол тараннуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода, кўрик-танловнинг барча босқичида янграган мусиқа оҳанглари замирида мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қиммати, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, умуман олганда, кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, бошқача айтганда, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя ҳамда мақсадлар мужассам.

Ижрочиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани туфайли кўрик-танловнинг барча босқичи кўтаринки руҳда ўтказилди. Иштирокчиларнинг чиқишлари бастакорлар, шоир ҳамда малакали мутахассислар гуруҳидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Ушбу мусиқа анжуманининг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимидаги босқичларида жами 57 минг 630 нафардан зиёд ижрочи қатнашди. Истеъдодли ёшларнинг ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлари сараланиб, кўрик-танловнинг сўнгги босқичида санъатсеварлар эътиборига ҳавола этилди.

— Мазкур танловга бир қатор қўшиқларни тайёрлаб келдик, — дейди Урганч шаҳридаги 1-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Ниятбек Маҳмудов. — Давлатимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги ана шу қўшиқларимизда ўз ифодасини топган.

Танловда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаётимиз, бағрикенг ва меҳнатсевар халқимиз, ёшларимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, шунингдек, кексаларимизга кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва эҳтиром руҳи сингдирилган куй-қўшиқлар барчада хуш таассурот қолдирди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёш авлод камоли — юрт иқболи

*Ички ишлар вазирлигида Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

ҚАРОР ВА ИЖРО

Унда ички ишлар органлари ходимлари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, таниқли санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида эртамиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бир қатор қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ва шу асосда изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани бунинг тасдиғидир. Хусусан, ички ишлар органлари ходимлари томонидан ёшлар онгида миллий мафкурани мустаҳкамлаш, улар қалбида она-Ватан ва миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кенг қарор топтириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини теран тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу жараёнда соҳа ходимлари билимларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ташкил этилган тадбирда тизим ходимларининг маънавий ва сиёсий билимларини ошириш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини янада юксалтириш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар тайёрланди.

**З. ХОЛТЎРАЕВ.**

## Август ойи пахта ривожида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир

*Август ойи нафақат пахта ҳосилига ҳосил қўшиш палласи, балки деҳқонларнинг машаққатли меҳнати эвазига тўпланган ҳосил нишоналарини сақлаб қолиш даври ҳамдир. Сабаби, бу пайтга келиб, ҳарорат нисбатан пасайиб, тунлари салқин тушиши ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира каби зараркунандалар кўпайишига қулай шароит яратади. Шунинг учун айни шу кунларда ҳосил кушандаларига қарши курашни янада кучайтириш талаб этилади.*

Биологик усул:

# Самарали ва безарар

Маълумки, зарарли ҳашаротларга қарши уч усулда, яъни агротехник, биологик ва кимёвий тарзда иш олиб борилади. Республикамиз фермерлари кейинги йилларда зарарли ҳашаротларга қарши курашда биологик усулдан кенг фойдаланишмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у атроф-муҳитга мутлақо безарар, иқтисодий тарафдан самаралидир.

"Халқ сўзи" газетасининг шу йил 30 июлдаги сонида "Август ойи пахта ривожида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир" сарлавҳаси остида берилган мутахассис тавсияларида ҳам қайд этилганидек, ушбу муҳим тадбирга озгина эътиборсизлик билан қаралса, тўпланган ҳосилнинг 20-25 фоизигача қисмидан маҳрум бўлиш мумкин. Шу боис бизнинг "Чимбой биомаҳсулот" биолабораториямиз жамоаси туманимиздаги 117 та фермер хўжалигининг 1713 гектар ғўза майдонларида назоратни ҳар доимгидан ҳам кучайтирган. Бугунги кунга қадар далаларга 13 килограмм трихограмма, 6 килограмм бракон, 7 килограммдан зиёд олтинкўз чиқарилиб, зараркунандаларга мустаҳкам "тўсиқ" қўйилди.

Айтиш жоизки, белгиланган миқдорда биомаҳсулот тайёрланишида мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани, айниқса, зарур жиҳоз ва озуқа билан тўлиқ таъминланилгани айни муддао бўлди. Натижада далаларга ўз вақтида ишлов берилаяпти. Биомаҳсулотларнинг қолган қисмини эса керакли муддатларгача сифатли сақлашда қуёш батареясида ишлайдиган музлаткичлардан унумли фойдаланаяпмиз. Бу, ўз навбатида, сарф-харажатларни камайтириш имконини бермоқда.

Шу каби чора-тадбирлар туфайли туманимизда ҳосил кушандалари хавфи тўлиқ бартараф қилинаётир. Аммо жамоамиз назоратни мавсум охиригача асло бўшаштирмайди. Кузатувчиларимиз ўзларига бириктирилган майдонларни ҳар куни кўздан кечириб туришибди. Зеро, пахта ҳосили тўплашда ҳал қилувчи давр бўлган август ойини кўнгилдагидек ўтказиш, деҳқон ва фермерларнинг заҳматли меҳнати эвазига яратилаётган ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш бизнинг бурчимиздир. Уни муваффақиятли адо этсак, фермерлар пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини ортиғи билан уддалаб, эл-юрт олдида барчамизнинг юзимиз ёруғ бўлади.

**Гулсара АБДИРАМАНОВА,**
**Чимбой туманидаги**
**«Чимбой биомаҳсулот»**
**биолабораторияси**
**раҳбари.**

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*— Йўл ҳаракати иштирокчилари билиши керак бўлган муҳим янгиликлар нималардан иборат?*

— Аввало, автоматлаштирилган бошқарув тизими йўл ҳаракати қоидаси бузилган жой, вақт ва транспорт воситаси давлат рақами белгисини қайд этади. Аммо ушбу тизим айнан йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчининг шахсини аниқлаш имконига эга эмас. Чунки битта транспорт воситасини бир нечта шахс (ишончнома, ижара шартномаси, лизинг асосида) бошқариши мумкин. Бу эса қоидабузарликни содир этган шахсни аниқлашни чигаллаштириш билан бирга, жавобгарлик муқаррарлиги принципи таъминланишига салбий таъсир ўтказади. Шу сабабдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳуқуқбузарликда иштирок этган транспорт воситаси эгасини маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи янги модда билан тўлдирилди.

Агар транспорт воситаси эгасининг айбсизлиги исботланса ёки уни бошқа шахс ноқонуний ҳолда бошқаргани аниқланса, автоулов эгасини жавобгарликдан озод этиш ҳам кўзда тутилган.

Яна бир янгилик шуки, автоматлаштирилган тизим марказлашган ҳолда, он-лайн режимида ишлашидан келиб чиқиб, қоидабузарликни расмийлаштириш янги тартибда амалга оширилади. Дастлаб маъмурий баённома расмийлаштирмасдан давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган жарима солиш тўғрисидаги қарор нусхаси 3 кунлик муддат ичида транспорт воситаси эгаси номига юборилади. Бунда автоматлаштирилган тизим орқали олинган маълумотлар



маъмурий иш бўйича далил сифатида қабул қилиниши назарда тутилган.

Шунингдек, йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳуқуқбузарнинг жаримани ихтиёрий тўлаш муддати шу тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб 60 кун эканлигини назарда тутувчи тартиб жорий этилди. Ҳуқуқбузар ушбу муддатда жаримани тўлашдан бош тортган ҳолда, тизим ходимлари томонидан транспорт воситаси вақтинчалик жарима майдонига жойлаштирилади ҳамда жарима тўлиқ тўланмагунга қадар автомобиль ўша ерда ушлаб турилади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларига ана шундай ваколат берилди.

*— Кўпинча қоидабузарлар ўз хатти-ҳаракатларини яширишга уринишади. Яъни давлат рақами белгисини турли йўллар билан беркитишга ҳамда кўринишини чеклашга ҳаракат қилади. Бу ривожланган давлатларда ҳам тез-тез кузатилади. Хўш, ушбу ҳолат янги Қонунда қай даражада инобатга олинган?*

— Албатта, бундай ҳолатлар ҳам янги Қонунда кўзда тутилган. Давлат рақами белгилари кўринишини чеклайдиган ёки уларни тўғри идрок этишга халал берадиган нарса ва қопламалар ўрнатганлик учун жавобгарлик белгиланди. Унга кўра, ушбу воситалар мусодара қилинади, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч баравари, мансабдор шахсларга эса беш баравари миқдорида жарима солиш ҳамда транспорт воситасини маъмурий иш кўриб чиқилгунгача ушлаб туриш назарда тутилган.

Маълумки, Кодексда маъмурий жазо (жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш, маъмурий қамоқ) ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирилмай қўлланилиши назарда тутилган. Шу муддат ўтгандан сўнг маъмурий иш тўхтатилиши лозим. Аммо автоматлаштирилган бошқарув тизими асосида қоидабузарлик содир этган шахсни аниқлаш, иш ҳужжатларини бошқа ҳудудга юбориш ҳамда уларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш муддати чўзилиши ҳисобига белгиланган муддат ўтиб кетиши, натижада маъмурий иш тугатилиб, айбдор жазодан қутулиб қолиши мумкин.

Қонун ижодкорлиги жараёнида ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида АҚШ, Германия, Франция, Япония каби давлатлар тажрибаси ўрганилди. Уларда маъмурий жазони қўллаш муддати ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб 1 йилдан 3 йилгача экани, шу орқали айб учун жазо муқаррарлиги принципи тўла таъминлаб келинаётгани маълум бўлди. Шу асосда Кодекснинг 36-моддасида маъмурий жазони қўллаш муддати бир йил қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ёки асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилган транспорт воситаси эгасини жавобгарликдан озод этиш ва қоидабузарни умумий асосларда жавобгарликка тортиш мақсадида амалдаги қонунчиликка бир қатор ўзгартишлар киритилди.

Умуман, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 2 та янги модда билан тўлдирилди ҳамда 13 та модда янги таҳрирда баён этилди. Буларнинг барчаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг соғлиғи ва мол-мулкини асраб-авайлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**суҳбатлашди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 18 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1910,15 | 1 Исландия кронаси | 19,57 | 1 СДР | 3635,96 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4054,46 | 1 Канада доллари | 1975,73 | 1 Туркия лираси | 912,46 |
| 1 Дания кронаси | 385,13 | 1 Хитой юани | 405,15 | 1 Швейцария франки | 2651,36 |
| 1 БАА дирҳами | 705,25 | 1 Россия рубли | 39,89 | 1 евро | 2868,34 |
| 1 АҚШ доллари | 2590,38 | 1 Украина гривнаси | 119,06 | 10 Жанубий Корея вони | 21,91 |
| 1 Миср фунти | 330,83 | 1 Малайзия ринггити | 632,57 | 10 Япония иенаси | 208,25 |
| | | 1 Польша злотийси | 686,65 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Ҳиндистоннинг “IndiGo” авиакомпанияси Европанинг “Airbus” самолётсозлик компаниясидан 250 та “A320neo” русумли ҳаво лайнери сотиб олиш юзасидан битим имзолади.*

## Йирик буюртма

Шартноманинг умумий қиймати 26,5 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, бу сўнгги йилларда “Airbus” олган энг йирик буюртмадир. Ўзаро келишувга кўра, ишлаб чиқарувчи самолётларни 2018 — 2026 йиллар даврида етказиб беради.

Шу тариқа Ҳиндистонда ҳаво йўллари орқали йўловчи ташишдаги улуши қарийб 40 фоизга тенг бўлган “IndiGo”нинг “A320” русумидаги лайнерларга берган буюртмалари сони 530 тага етди. Ҳозир авиакомпания уларнинг 280 тасидан фойдаланаяпти.

## Темир йўлга қулаб тушди

*Жанубий Африка Республикасида темир йўл ҳодисаси содир бўлди.*



Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга қараганда, Квазулу-Наталь провинциясида кўприкдан ўтаётган микроавтобус темир йўлга қулаб тушган. Натижада уни поезд уриб юборган. Мазкур воқеа туфайли ўн тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, олти нафар одам тан жароҳати олди. Улардан бирининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда.

## Жаримага тортилди

*АҚШнинг “ExxonMobil” нефть корпорацияси ишлаб чиқариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмагани туфайли 556 миллион доллар миқдорида жаримага тортилди.*

“Биз компания меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган федерал талабларни бузаётганини аниқладик. Бу ҳолат ходимлар ҳаётини хавф остига қўймоқда”, дейилади Меҳнат ва саломатликни муҳофаза қилиш хизматининг Калифорния бўлими баёнотида.

Ўз навбатида, “ExxonMobil”нинг расмий вакили айни пайтда жаримага сабаб бўлган омиллар ўрганилаётгани, текширувдан сўнг компаниянинг истиқбол режаси қабул қилиниши мумкинлигини билдирди.

## Автомобиллар қайтариб олинади

*Германиянинг “Volkswagen” автоконцерни хавфсизлик ёстиқчаларида нуқсон аниқлангани туфайли 461 минг 300 дона автомобилини қайтариб олади.*



Улар “Golf”, “Passat”, “Jetta” ва “Tiguan” русумидаги автоуловлар бўлиб, АҚШ ҳамда Канада бозорларида сотилган. Машиналар 2010 — 2014 йилларда ишлаб чиқарилган.

“Volkswagen” маъмурияти ушбу камчилик бирор бир кўнгилсизликка сабаб бўлмаганини маълум қилди. Ўз навбатида, рўйхатга киритилган автомобилларнинг эгалари мавжуд нуқсонни бартараф эттириш учун расмий дилерларга мурожаат қилишлари лозимлиги таъкидланган.

Айни пайтда компания мазкур муаммо бошқа бозорларда сотилган автомобилларда ҳам бор ёки йўқлигини текшириб чиқаётир.

## Осмондаги тўқнашув

*АҚШнинг Сан-Диего округи осмонида иккита шахсий самолёт тўқнашиб кетди.*

Бу ҳақда “KTLA” телеканали хабар тарқатди. Воқеадан сўнг ҳар икки ҳаво транспорти воситаси ерга қулаб тушган ва ёниб кетган. Натижада уч киши ҳаётдан кўз юмди. Маҳаллий ҳокимият қурбонлар сони яна ошиши мумкинлигини айтмоқда.

Самолётлар нима сабабдан бир-бирига урилиб кетгани ҳақида аниқ маълумот йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР

## Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш учун тендер (ретендер) савдоларини эълон қилади.**

Тендер (ретендер)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Танлов комиссияси ишчи органи номи ва манзили:**

Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 220100, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 16-«А» уй.
Телефонлар: (0-362) 223-06-33, 223-06-11, 223-06-26. Факс: (0-362) 223-06-33.
E-mail: horezm.vssb.shtab@minzdrav.uz

**Банк реквизитлари.**

Молия вазирлиги Ғазначилиги
ғазна ҳисобварағи: 23402000300100001010,
СТИР: 201122919, ОКОНХ: 97400, МФО: 00014,
Марказий банк Тошкент шаҳар ББ ҲККМ.
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси,
ш/ҳ/р: 100021860334017072130054001,
махсус ҳ/р: 400121860334017950100054002,
СТИР: 201989194.

**Тендер (ретендер) предмети**

**Қуйидагилар бўйича товарларни етказиб бериш:**

- шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари (рўйхат бўйича);
- реактивлар;
- тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари:**

барча етказиб берувчилар учун: соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойлардаги омборларга тайёр маҳсулотларни етказиб бериш шарт;

етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади;

тендер (ретендер) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади;

тендер ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 10 000 000 сўмгачани ташкил этади;

тендер (ретендер) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

тендер (ретендер) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 19 сентябрь куни маҳаллий вақт билан соат 17.00 гача.

**Тендер (ретендер) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган реквизитлар бўйича Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.**

1201А/582

## «Universal auktsion invest» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2015 йил 4 сентябрь куни соат 15.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 9 декабрдаги 22724-25/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 16 турдаги янги идиш-товоқлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 77 563 000 сўм.***

2015 йил 21 сентябрь куни соат 15.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирobod тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 8 июндаги 10-1520/6575-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, Меҳригиё кўчаси, 1-уйда сақланаётган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «HOWO ZZ3257N3847N1» русумли (ўзи ағдарувчи), давлат рақами 01 304 KDA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 320 000 000 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.30 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида иштирок этиш учун юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**

1217R/33

***Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!***

## «OBIDA RIEL PROFFESIONAL» МЧЖ

Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 11 июндаги 15-1504/9381-сонли иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Чимион парранда» МЧЖнинг 2015 йил 13 августдаги кредиторлар йиғилиши қарорига асосан, Андижон вилояти, Хонобод шаҳарчаси, «ТЕЙТ» ҚФЙдаги Авазматов бўлими мол-мулклари очиқ аукцион савдосида сотилади.

***Бошланғич баҳоси — 1 200 700 000 сўм.***

Очиқ аукцион савдоси 2015 йил 21 сентябрь куни соат 16.00 да Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уйда бўлиб ўтади. Очиқ аукцион савдосига қўйилган мол-мулк савдоси белгиланган кунда бўлмаган тақдирда такрорий савдолар 2015 йил 6 ва 21 октябрь кунлари соат 16.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда чоп этилган санадан бошланади ва 2015 йил 18 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгор ёки унинг ваколатли вакили очиқ аукцион савдолари тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда савдода иштирок этиш учун савдо ташкилотчисига курьер ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, савдода қатнашишга буюртманома тақдим этади:

— нодавлат юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг очиқ аукцион савдосида қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилиниши шарт.

Талабгорлар мол-мулклар бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Obida riel proffesional» МЧЖнинг «Савдогар» банки Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904966256001, СТИР: 302256866, МФО: 00500.

Белгиланган тартибга кўра, аукцион савдосида ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдосига қўйилган мол-мулкка тааллуқли ҳужжатлар ва барча масала бўйича «Obida riel proffesional» МЧЖга мурожаат қилиш мумкин.

**Манзил: Фарғона ш., Ал-Фарғоний к., 60-уй. Тел.: (0-595) 400-46-37.**
**www.uzmls.uz ёки www.orp.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*

1215R/596

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 8 АВГУСТДАН 14 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2015 йил 11 августдаги 1, 25, 81-сонли «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1997-1 (2015 йил 17 августдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2015 йил 5 августдаги 37-сонли «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1626-7 (2015 йил 17 августдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/6-сонли «Тижорат банкининг ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 559-2 (2015 йил 17 ноябрдан кучга киради).**

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли «Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709 (2015 йил 17 ноябрдан кучга киради).**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/10-сонли «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-4 (2015 йил 17 ноябрдан кучга киради).**

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 8 сентябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**1.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2014 йил 4 августдаги 15-14-09/8109-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Зуҳро» МФЙ, Аҳмад Яссавий мавзесида жойлашган, қурилиш ости майдони 317,44 кв.м., фойдаланиш майдони 291,57 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги «Тоф-2» қозонхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 116 431 755 сўм.***

**2.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Сурхтепа» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 201,42 кв.м., фойдаланиш майдони 173,64 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги озиқ-овқат дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 79 717 399 сўм.***

**3.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 17 апрелдаги 15-13-04/8801-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 112-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 2016,61 кв.м., фойдаланиш майдони 2432,53 кв.м. бўлган, 0003, 0007, 0017, 0020, 0021, 0022, 0025-литерлардаги бино-иншоотлари ва ҳуқуқий ҳужжатсиз қурилган қоровулхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 304 578 028 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 4 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона.**
**Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

1211R/34

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 10 июлдаги 10-1508/10057-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Толариқ кўчаси, 40-уйда жойлашган, умумий майдони 378,0 кв.м. бўлган, 6 хонадан иборат бир қаватли бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 213 500 000 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 25 мартдаги 10-1413/4434-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 мавзеси, 28-уйда жойлашган, умумий майдони 82,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўконининг бир қисми қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 10 июлдаги 10-1413/8301-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2 мавзесида жойлашган, умумий майдони 253,0 кв.м.дан иборат (блок-1 ва блок-2даги) савдо павильони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2014 йил 2 декабрдаги ЖСХ-1-509/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-квартал, 3-уйда жойлашган, умумий майдони 38,03 кв.м., тураржой майдони 24,70 кв.м. бўлган, 2 та хонадан иборат 21-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 208 543 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

1213R/6

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2015 йил 31 август куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳар СИБ томонидан такроран қўйилмоқда:**

**1.** Самарқанд шаҳри, Абу Мансур Мотуридий кўчаси, 10-уйда жойлашган, ер майдони 717,23 кв.м. бўлган 2 қаватли маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 1 083 220 837 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳри, Фитрат кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер майдони 316,82 кв.м. бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 421 938 185 сўм.***

**Талабгорлар диққатига!**

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2015 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.**

Хизматлар лицензияланган.

1208А/34

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Жанубий Осиё тиллари кафедраси профессори, филология фанлари доктори, таниқли ҳиндшунос олим **Азад Насретдинович ШАМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz




# ВАТАНИМ

*Истиқлол мушоираси*

*Ватаним! Кўнглимнинг лавҳида борсан,*
*Борлиғим куйдирар ўт эҳтиросинг.*
*Бугун қутлуғ ёшга тўлган диёрсан,*
*Бугун тараддудда хонаи хосинг!*

*Истиқлол руҳига чулғандинг, ўлкам,*
*Булбуллар боғларда қилади чах-чах!*
*Хиёбондан боқиб Соҳибқирон ҳам*
*Фахр ила қўл силкир, кўнглида фараҳ.*

*Халқим, сенга қойил қолар жаҳонлар,*
*Ўзинг тўрт кўз тугал, ризқинг бус-бутун!*
*Йўлларга сув сепиб қизу ўғлонлар,*
*Меҳмон кутмоқ билан банд бўлур бугун.*

*Кўрсин, ўша меҳмон, қилсин томоша,*
*Кўрсин, худо берган юрт эканлигин!*
*Бугун, эрта эмас, асрлар оша —*
*Олис-олисларга кўз тикканлигин!*

*Кўзларга жодурсен, эй онаизор!*
*Номинг қасамёддай тиллардан тушмас!*
*Еткурмаган эсак дилингга озор,*
*Оқ сутинг оқлаган эсак, Она, бас!*

*Эй, Ватан! Оламдай сирли ва суюк,*
*Бизга толедурсан хориқулодда!*
*Сен имон қадарли юксак ва буюк,*
*Имондай барқарор, имондай содда!..*

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# «Мен Ўзбекистонни севаман!»

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида олмалиқлик ёш оила соҳиблари — Муқаддасхон ва Умиджон Муродовлар турмушида яна бир қувончли воқеа юз берди. "Мен Ўзбекистонни севаман!" деб номланган вилоят ёшлар фестивалида қатнашган ушбу навқирон авлод вакиллари шаҳар марказида бунёд этилган замонавий "Камолот" уйи эгаларидан бирига айланишди.*

**ФЕСТИВАЛЬ**

Паркент туманининг сўлим "Қўшчинор" истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуман ана шундай бахтли оилаларга замонавий тураржойларнинг калитларини топшириш маросими билан бошланди.

Эртамиз давомчиларини миллий истиқлол ғояларига садоқат, юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёшларга доир давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида уюштирилган ушбу фестивалда ёш қаламкашлар, илм-фан, маданият ва спорт, шунингдек, тадбиркорлик йўналишида катта муваффақиятларга эришаётган иқтидорли йигит-қизлар ҳамда уларнинг устоз-мураббийлари қатнашди.

— Мустақиллик тенгдошиман, — дейди фестиваль иштирокчиси, қибрайлик ёш тадбиркор Бобуржон Зокиров. — Ҳозир пойтахтимиздаги Турин политехника университетида ўқияпман. Шу билан бирга, шахсий бизнесимга эгаман. Бундан сал аввалроқ уч-тўрт тенгдошим билан бамаслаҳат мўъжазгина корхона очгандик. Ниҳоятда қисқа муддатда илмий асосланган хариталардан фойдаланган ҳолда, турли ўлчамларда Ер шари моделларини ясашни ўзлаштирдик. Ҳозир ишларимиз анча юришиб кетган. Жамоамиз аъзолари сони ҳам йигирма нафардан ошди. Энг муҳими, корхонамиз Президентимиз қарори билан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига киритилди. Унга кўра, муайян имтиёзларга эга бўлдик. Кичик бизнес субъектимиз беш йилга соliқлардан озод қилинди. Ҳозир глобуслардан ташқари, ўқув жараёнида фойдаланиладиган турфа геометрик чизғич ва фигуралар, осма хариталар ишлаб чиқаришни ҳам бошлаганмиз. Бундан ташқари, глобусларнинг бир қисмини экспортга йўналтириш ниятидамиз.

Анжуман доирасида миллий ҳунармандчилик, тасвирий ва амалий санъат ҳамда инновацион ихтирочилик борасида изланишлар олиб бораётган ёшларнинг ижод намуналаридан иборат кўргазма уюштирилди. Шунингдек, ёш тадбиркор ва фермерлар ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказдилар. Республика миқёсидаги турли кўрик-танлов ва беллашувларда юқори натижаларни қўлга киритган иқтидор эгалари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастури кечага алоҳида файз бағишлади.

Фестивалда Тошкент вилояти ҳокими А. Усмонов сўзга чиқди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Меҳр қолур, муҳаббат қолур...»

*Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида санъатшунос ва фоторассом Нодир Норматовнинг Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган "Меҳр қолур, муҳаббат қолур..." номли кўргазмаси очилди.*

**КЎРГАЗМА**

Ижодкор асарларида бугунги кун одамлари акс этган. Улар юртимизнинг турли гўшаларида истиқомат қилишади, аммо барча қаҳрамонларни шу азиз Ватанимизга бўлган юксак садоқат, бир-бирига бўлган меҳр-оқибат, бошқача айтганда, ўзбекона самимийлик бирлаштириб туради.

Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг эзгу фазилатларидандир. Тақдим этилган расмларда ҳам қадри баланд отахон ва онахонларимиз сиймоси ифодаланган. Суратларга боқиб, уларнинг юзларида инсониятга ҳамиша ҳамроҳ бўлган меҳр-муҳаббат, яхшилик туйғуларининг балқиб турганига гувоҳ бўласиз.

Тадбирда, шунингдек, Н. Норматов сценарийси асосида суратга олинган "Чингиз Аҳмаров" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

**Д. МУРОДОВ.**

# Қалб қувончи

*Сирдарё вилояти расмлар галереясида ёш мусаввирлар Шоҳсанам Бойчибоева, Вилоятхон Бозорова ва Моҳинахон Раимованинг "Қалбим қувончи — она Ватан" деб номланган кўргазмаси ташкил этилди.*

Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган мазкур тадбирда ёш ижодкорларнинг ранг-тасвир ва амалий санъат намуналари намойиш этилди. Уларда юртимиздаги ободлик, фаровонлик, ёшлик завқи ҳамда Ватан манзаралари ўз аксини топган.

— Вилоятимизда ижодкор ёшлар кўп, — дейди Сирдарё вилояти бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Анорқул Бойбеков. — Бу умумтаълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда мусиқа ва санъат мактабларида иқтидорли ёшлар учун яратилган кенг имкониятлар самарасидир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Спорт

*Таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган жаҳон Гран-присининг биринчи босқичида ҳамюртимиз Дмитрий Шокин олтин медалга сазовор бўлди.*



# Ҳамюртимиз — Гран-при ғолиби

Мазкур мусобақа келаси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун рейтинг очколари берилиши билан алоҳида аҳамиятга эга эди. Унда спортчимиз бор маҳоратини намойиш этиб, ўз вазн тоифасида айни пайтда дунёнинг энг кучли таэквондочиси эканлигини яна бир карра исботлади.

Дастлаб Хитой Тайпейи вакили Кай Чангни енгган Дмитрий кейин Лондон Олимпиадаси ғолиби, италиялик Карло Молфетадан устун келди. Навбатдаги босқичда германиялик Волкер Водзнични мағлуб қилди. Ярим финалда эса Осиё ўйинлари чемпиони, Жанубий Корея вакили Жо Чо Хони чиройли услубда таслим этган ҳамюртимиз ҳал қилувчи баҳсда россиялик Владислав Ларинга ҳам ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Шу тариқа Дмитрий Шокин ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди ҳамда 40 рейтинг очкосига эга бўлди.

# Пешқадамлар очко йўқотмади

*Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати ўн саккизинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.*

Мазкур турнинг марказий беллашуви — Наманганнинг "Навбаҳор" ва Фарғонанинг "Нефтчи" жамоалари қарама-қаршилиги 1:0 ҳисоби билан якунланди. Мезбонларнинг ягона голига Улуғбек Бақоев муаллифлик қилди. Айтиш жоизки, бу фарғоналик футболчиларнинг иккинчи даврадаги учинчи мағлубиятидир. Ваҳолонки, "Нефтчи" вакиллари биринчи даврада атиги икки бор имкониятни бой беришган, қолган баҳсларда мухлисларга хурсандчилик улашишган эди. Эндиликда қайд этилаётган салбий натижалар, табиийки, Мурод Исмоилов шогирдларининг совринли ўринларни қўлга киритиш имкониятини пасайтириб юбораяпти.

Олий лигада кучли учликда бораётган Тошкентнинг "Пахтакор" ва "Локомотив" ҳамда Қаршининг "Насаф" жамоалари ушбу турда ҳам ғалабага эришди. Жумладан, амалдаги чемпион "Пахтакор" сафарда "Бухоро" (Бухоро)дан устун келди — 2:0. "Локомотив" ўз майдонида Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси дарвозасига жавобсиз еттита тўп киритди. Шу ўринда маълумот сифатида айтиб ўтиш жоизки, мазкур натижа XXIV миллий чемпионат доирасида ҳозирги кунга қадар қайд этилган энг йирик ҳисоб бўлди. "Насаф" эса Қўқонда "Қўқон-1912"ни 3:1 ҳисобида енгди.

Пешқадамларни таъқиб қилиб келаётган "Бунёдкор" Ғузорда "Шўртан" билан дуранг (0:0) ўйнади.

Қолган ўйинларда қайд этилган натижалар билан танишинг: "Андижон" (Андижон) — "Олмалиқ" (Олмалиқ) 2:4, "Машъал" (Муборак) — "Металлург" (Бекобод) 1:1, "Қизилқум" (Навоий) — "Динамо" (Самарқанд) 1:0.

**Ўн саккизинчи турдан сўнг турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган:**

| | Ж | Ў | Ғ | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | **Пахтакор** | **18** | **15** | **2** | **1** | **36-12** | **47** |
| **2.** | **Локомотив** | **18** | **13** | **4** | **1** | **41-12** | **43** |
| **3.** | **Насаф** | **18** | **13** | **2** | **3** | **31-12** | **41** |
| 4. | Бунёдкор | 18 | 12 | 2 | 4 | 25-11 | 38 |
| 5. | Нефтчи | 18 | 10 | 3 | 5 | 25-16 | 33 |
| 6. | Олмалиқ | 18 | 9 | 4 | 5 | 36-26 | 31 |
| 7. | Металлург | 18 | 7 | 5 | 6 | 28-19 | 26 |
| 8. | Навбаҳор | 18 | 7 | 4 | 7 | 28-30 | 25 |
| 9. | Қизилқум | 18 | 7 | 3 | 8 | 24-28 | 24 |
| 10. | Шўртан | 18 | 6 | 4 | 8 | 26-30 | 22 |
| 11. | Машъал | 18 | 5 | 4 | 9 | 20-26 | 19 |
| 12. | Динамо | 18 | 4 | 2 | 12 | 13-24 | 14 |
| 13. | Қўқон-1912 | 18 | 4 | 2 | 12 | 17-32 | 14 |
| 14. | Андижон | 18 | 4 | 2 | 12 | 15-34 | 14 |
| 15. | Сўғдиёна | 18 | 4 | 1 | 13 | 16-42 | 13 |
| 16. | Бухоро | 18 | 1 | 2 | 15 | 13-40 | 5 |

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Билим ва иқтидор кўриги

*Қашқадарё вилоятидаги "Лочин" оромгоҳида "Юрт келажаги — 2015" республика иқтидорли ёшлар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 419 нафар иқтидорли ўғил-қиз қатнашди.*

**«ЮРТ КЕЛАЖАГИ — 2015»**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни муносиб рағбатлантиришга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирнинг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев улғайиб келаётган авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш ва жамиятимиздаги ислоҳотлар жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, иқтидорли ёшлар учун "Лочин"да ўтган ўн кун унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Қатнашчилар ўз лойиҳаларини янада бойитиш билан бирга, турли соҳа мутахассислари иштирокидаги маҳорат дарслари, семинар-тренинглар, маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашув ҳамда анжуманларда қатнашдилар. Махсус ишлаб чиқилган интерактив дастурлар асосида ўз ғояларини амалиётда қўллаш усулларини ўргандилар.

— Ушбу танлов ёшларнинг илм-фан, санъат ва замонавий технологиялар борасидаги изланишларини муносиб баҳолаш ҳамда келгусидаги фаолиятларида кўмаклашиш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётир, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Фурқат Норматов. — Унинг якуний босқичини юқори савияда ва байрамона руҳда ташкил этиш учун "Лочин" болалар соғломлаштириш оромгоҳида барча шароит яратилди.

Бу йилги танловда иштирокчилар ўз билим ҳамда маҳоратларини архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ҳамда техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби ўн олтита йўналиш бўйича намойиш қилишди.

— "Юрт келажаги" танловида рационализаторлик таклифларим билан иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдим, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Жавоҳир Рустамов. — Республикамизнинг турли ҳудудларидан келган тенгқурларим билан яқиндан танишиб, мириқиб суҳбатлашдик. Тадбирларда қатнашиб, бир олам таассурот олдик.

Ғолибларни тақдирлаш маросими ижодкор ёшлар ва таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОН

**REQUEST FOR EXPRESSIONS OF INTEREST**

*Consulting services (training)*

**SUPPORT TO THE DEVELOPMENT OF ONCOLOGY SERVICES PROJECT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Financing No. UZB-063 / Public Healthcare Sector**

The Government of Uzbekistan has received financing from the Islamic Development Bank (IsDB) toward the cost of the "Support to Development of Oncology Services Project in the Republic of Uzbekistan", and intends to apply part of the proceeds for training services. The services include training of the following number of specialists:

| No. | Speciality | Number of people |
|---|---|---|
| 1. | Radiation oncologists, including: | |
| a. | Radiation oncologist for External Beam Therapy System | 8 |
| b. | Radiation oncologist for HDR Afterloader Unit | 7 |
| c. | Radiation oncologist for Linear Accelerator | 6 |
| 2. | Medical Physicist | 8 |
| 3. | Radiation protection officer | 2 |
| 4. | Physicians (heads of departments) | 16 |
| 5. | Paramedical personnel | 6 |
| | **Total:** | **53** |

Above indicated specialists shall be trained for provision of contemporary radiotherapy services using equipment to be procured by the project, including:

| No. | Description | Quantity |
|---|---|---|
| 1. | Linear accelerator, Type 1, Type 2 | 2 |
| 2. | External Beam Therapy System, Type 1, Type 2 | 11 |
| 3. | HDR Afterloader Unit, Type 1, Type 2 | 7 |

The following phased training approach is proposed: (i) Phase 1. Training of trainers at appropriate specialized training center, which will be engaged under this consultant selection. (ii) Phase 2. The trainers will conduct further training of practitioners in Uzbekistan under supervision of selected training consultant.

Please refer to the General Procurement Notice (GPN) for this project that appeared on the websites of IsDB on 29.09.2014 and Ministry of Health of Uzbekistan on 23.10.2014.

The Ministry of Health of Uzbekistan now invites eligible **training centers** to indicate their interest in providing the services. Interested training centers must provide information indicating that they are qualified to perform the services (brochures, description of similar assignments, experience in similar conditions, availability of appropriate skills among staff, etc.). Experience and resources in the following area or tasks shall be the minimum requirement for this assignment:

1) Organization of specialized training for medical and technical personnel of radiotherapy services (radiation oncologists, medical physicists, radiotherapy operators and radiation protection officers);
2) Qualified teaching staff in each area of radiotherapy (radiation oncology, medical physics, radiation protection), embedded in clinical practice;
3) Technical infrastructure: (i) Radiotherapy: at least two megavoltage units one of which must be a cobalt-60 unit and one must be a linear accelerator with or without electron beam. (ii) Brachytherapy unit: high dose-rate. (iii) Treatment simulator, either a conventional simulator or CT-simulator. (iv) Treatment planning system or access to computerized treatment planning. (v) Mould room facility. (vi) Equipment for dosimetry and physical quality assurance.

*In the event that the training center cannot provide all required equipment/techniques for the training purposes, cooperation of several training centers can be established in order to organize a comprehensive training program that will meet these requirements.*

Training centers may express interests in the forms of association, validated by an agreement among members of the association which clearly specifies the type of association, i.e. a joint-venture, intermediate forms of association, or sub consultancy. A training center will be selected in accordance with the procedures set out in the Guidelines for the Use of Consultants under Islamic Development Bank Financing (current edition). Interested training centers may obtain further information at the address below during office hours, from 09:00 to 18:00 (local time). Expressions of interest must be delivered to the address below by **September 23, 2015**.

**Ministry of Health of Uzbekistan**
**Department for Coordination of Investment Projects**
**12 Navoi str., 100011, Tashkent, Uzbekistan**
**Tel./fax: 99871-2394410, e-mail: idb.onco@gmail.com**

1214R/591

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5